Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 2 (2026) · “Milliy statistika tizimida yangi bosqich: barqaror rivojlanish maqsadlari, xalqar... DOI: 10.5281/zenodo.24319697

“MILLIY STATISTIKA TIZIMIDA YANGI BOSQICH: BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI, XALQARO STANDARTLAR VA ZAMONAVIY TENDENSIYALAR”

МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

ТОШМАТОВ ЗАИР ХУДОЙБЕРГАНОВИЧ
ТДИУ, и.ф.д., профессор

Замонавий иқтисодиётда макроиқтисодий жараёнларни тўғри баҳолаш ва прогнозлаш давлат бошқаруви ва хусусий сектор учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Эконометрик моделлар математик статистика ва иқтисодий назарияни бирлаштирган методологик асос бўлиб, у миқдорий таҳлил ва қарор қабул қилишни илмий асосда амалга оширишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиши ва рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида макроиқтисодий кўрсаткичларни эконометрик моделлаш орқали таҳлил қилиш методологиясини такомиллаштириш долзарб вазифага айланган.

Макроиқтисодий таҳлилда қўлланиладиган эконометрик моделлар уларнинг функционал хусусиятларига кўра қуйидагича таснифланади:

1-жадвал

Макроиқтисодий таҳлилда қўлланиладиган асосий эконометрик модел турлари

Модел тури	Асосий вазифаси	Қўлланилиш соҳаси
OLS / МНК	Параметрларни баҳолаш	ЯИМ, инфляция, бандлик таҳлили
VAR Модели	Ўзаро таъсирни ўлчаш	Пул-кредит ва фискал сиёсат
VECM Модели	Узоқ муддатли мувозанат	Валюта курси, савдо баланси
ARIMA / GARCH	Вақт қаторлари прогнози	Инфляция, молиявий бозорлар
Panel Data	Мамлакатлар/минтақалар солиштирма	Минтақавий иқтисодий таҳлил
CGE Модели	Умумий мувозанат таҳлили	Солиқ ислоҳоти, субсидиялар

Ўзбекистонда 2017-2025 йиллар давомида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар фонида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг динамикаси қуйидагича кузатилди:

Published: 05.06.2026

Cite this article: Тошматов Заир Худойберганович (2026). Макроиқтисодий таҳлилда эконометрик моделларни қўллаш масалалари. Emro Science and Education, 2(2). https://doi.org/10.5281/zenodo.24319697

© 2026 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

“MILLIY STATISTIKA TIZIMIDA YANGI BOSQICH: BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI, XALQARO STANDARTLAR VA ZAMONAVIY TENDENSIYALAR”

2-жадвал

Ўзбекистон асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари динамикаси

Йил	ЯИМ ўсиши, %	Инфляция, %	Ишсизлик, %	Экспорт, млрд $	Инвестиция/ЯИМ, %
2018	5.1	17.5	9.3	11.4	26.2
2019	5.8	15.2	9.1	12.1	28.5
2020	1.9	11.1	10.5	10.8	29.1
2021	7.4	10.8	9.8	14.9	31.3
2022	5.7	12.3	9.5	15.8	33.7
2023	6.3	8.8	9.2	18.2	35.4
2025	6.5	7.4	8.9	20.1	37.2

Жадвал маълумотларига кўра, 2018–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларида тизимли таркибий ўзгаришлар ва барқарор ўсиш тенденцияси кузатилган. Хусусан, мамлакат ЯИМнинг ўсиш суръати 2018 йилдаги 5.1% дан 2025 йилга келиб 6.5% гача юксалган бўлиб, фақатгина 2020 йилдаги пандемия инқирози даврида минимал кўрсаткич (1.9%) қайд этилган. Бундай барқарор ўсишнинг асосий драйверларидан бири сифатида инвестициявий фаолликни кўрсатиш мумкин: Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши давр бошидаги 26.2% дан изчил равишга ошиб, 2025 йилда 37.2% га етган.

Инвестицион муҳитнинг яхшиланиши ва ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайиши ташқи савдога ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, экспорт ҳажми қарийб икки баробарга (11.4 млрд доллардан 20.1 млрд долларга) ошган. Шу билан бирга, пул-кредит сиёсатининг самарадорлиги натижасида инфляция даражаси 17.5% дан 7.4% гача пасайишига эришилган. Макроиқтисодий барқарорлик меҳнат бозорида ҳам акс этиб, 2020 йилдаги инқирозли даврда иқтисодий фаолликнинг сустлашиши туфайли ишсизлик 10.5% га кўтарилган бўлса-да, кейинги йиллардаги тикланиш ҳисобига 2025 йилга келиб ушбу кўрсаткич 8.9% гача қисқарган.

Комплекс таҳлил шуни кўрсатадики, инвестициялар оқимининг жадаллашиши ва экспорт салоҳиятининг ошиши иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда ижтимоий барқарорликни (ишсизлик ва инфляцияни камайтириш) юзага келтиришда бош омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Амалий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон контекстида эконометрик моделларни қўллашда қуйидаги методологик қийинчиликлар мавжуд:

3-жадвал.

Эконометрик моделлашдаги асосий методологик муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари.

Муаммо	Таъсир	Ечим
Маълумотлар узилиши (2017 ислоҳот)	Вақт қаторлари бузилади	Кесимли регрессия (structural break)
Мавсумийлик ва тасодифий шоклар	Прогноз хатолари ортади	SARIMA, GARCH моделлари
Кўп коллинеарлик	Стандарт хатолар катталашади	Ridge, Lasso регрессия
Нотўғри функционал шакл	Параметрлар хатоли	Ramsey RESET тести
Эндогенлик муаммоси	Баҳолар ноизчил	IV/2SLS усулларини қўллаш

Эконометрик моделларнинг макроиқтисодий таҳлилдаги самарадорлиги маълумотлар сифати, тўғри модел танлови ва натижаларни тўғри талқин этишга бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон учун биринчи навбатда: (1) миллий статистика базасини яхшилаш; (2) уч хил модел (VAR, ARIMA, панел маълумотлар) усулларини биргаликда қўллаш; (3) эконометрика бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини кучайтириш зарур.

Умумий тенденция шуни кўрсатадики, ЯИМ ўсиши ва инвестиция нисбати ўртасида мусбат коинтеграция мавжуд бу узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг барқарорлигидан далолат беради.

IQTISODIY STATISTIKA KAFEDRASI — Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti —

“MILLIY STATISTIKA TIZIMIDA YANGI BOSQICH: BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI, XALQARO STANDARTLAR VA ZAMONAVIY TENDENSIYALAR”

NARXLAR INDEKSI VA INFLYATSIYA: HISOBLASH USULLARI VA MUAMMOLARI

NABIXO‘DJAEV ABBAS ABDUPATTAXOVICH
TDIU Iqtisodiy statistika kafedrasi dotsenti, i.f.n.,
O’zbekiston Respublikasida xizmat ko’rsatgan iqtisodchi
+998 90 999 63 43.
UMAROVA MUKADDAS ABBASOVNA
Millat Umidi universiteti Xalqaro Biznes va moliya kafedrasi professori, i.f.d.
+998 94 641 20 69

Annotasiya: *Ushbu maqolada bozor iqtisodiyotiga o‘tayotgan mamlakatlarda narxlar indeksi va inflyatsiyani o‘lchash muammolari keng yoritilgan bo’lib, rasmiy statistika ma’lumotlarining cheklanganligi sababli iqtisodiy jarayonlarni baholashda yuzaga keladigan xatoliklarni tahlil qilingan. Xususan, xususiy sektor faoliyatining yetarli darajada hisobga olinmasligi, mahsulot sifati va assortimentidagi o‘zgarishlar hamda narx indekslarini hisoblashdagi metodologik farqlar muhim omillar sifatida ko‘rsatib o‘tilgan.*

Shuningdek, maqolada inflyatsiya tushunchasi, uning sabablari va turlari, jumladan talab va xarajatlar ta’siridagi inflyatsiya batafsil tushuntirilgan. Iste’mol narxlari indeksi (INI) va YaIM deflyatori o‘rtasidagi farqlar hamda ularni hisoblash usullari ilmiy asosda izohlangan.

Kalit so‘zlar: *narxlar indeksi, inflyatsiya, iste’mol narxlari indeksi (INI,YaIM deflyatori, bozor iqtisodiyoti, iqtisodiy statistika, narxlar o‘zgarishi, talab va xarajat inflyatsiyasi, iqtisodiy islohotlar, inflyatsiyani prognozlash*

Annotation: *This article examines the problems of measuring price indices and inflation in countries transitioning to a market economy, analyzing the errors that arise in evaluating economic processes due to the limitations of official statistical data. In particular, insufficient consideration of private sector activity, changes in product quality and assortment, and methodological differences in calculating price indices are highlighted as key factors.*

The article also explains the concept of inflation, its causes and types, including demand-pull and cost-push inflation, and provides a scientific explanation of the differences between the Consumer Price Index (CPI) and the GDP deflator, as well as their calculation methods.

Keywords: *price index, inflation, Consumer Price Index (CPI), GDP deflator, market economy, economic statistics, price changes, demand-pull and cost-push inflation, economic reforms, inflation forecasting.*